Ушбу сонда:
2 ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИНИ ҲАЁТГА ИЗЧИЛ ЖОРИЙ ЭТАЙЛИК!
3 МЕҲНАТ КОДЕКСИГА КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР
4 ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 22 феврал, шанба № 30 (1455)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ЁШ ЧАВАНДОЗЛАР МАКТАБИ

«Жиззах отчопари» акциядорлик жамияти ҳузурида болалар ва ўсмирлар от спорти мактаби ташкил этилди.

Сўнгги йилларда Жиззах вилоятида от спортини ривожлантириш, хусусан, халқимизнинг миллий кўпкари ўйинини расмий спорт мусобақалари таркибига киритиш ва мамлакат чемпионатини ўтказиш борасида катта ишлар амалга оширилди. Ўтган йили вилоятда беш минг томошабинга мўлжалланган отчопар спорт комплекси ишга туширилди. Ҳар якшанба куни, отчопар ишқибозлар билан гавжум, бу ерада кўпкари мусобақалари мунтазам ўтказиб келинмоқда. Уларда фақат жаззахликларгина эмас, барча вилоятлардан келган чавандозлар иштирок этмоқда.

**(ЎзА).**

## БУХГАЛТЕРЛАР УЧУН СЕРТИФИКАТЛАР

***Тошкентда профессионал бухгалтерлар сертификатларини /САР/ топшириш маросими бўлиб ўтди. Мамлакатимизнинг 40 нафар фуқароси ўз билимлари билан «Сертификатланган амалиётчи бухгалтер» малакасига эга бўлиш ҳуқуқини қўлга киритди.***

- Бу воқеа ортида даъвогарларнинг ўқуви, маърузалар тинглаб ва дарсликни ўқиб ўтказилган кўплаб соатлар, имтиҳонларга тайёрланиш ва топшириш турибди,- дея таъкидлади ўз нутқида Бухгалтерлар ва аудиторлар миллий уюшмаси бошқаруви раиси М.Тўлахўжаева.

ЮСАИД лойиҳасининг «Прагма» корпорацияси иштирокидаги касбий сертификатлаш бўйича халқаро дастури бир неча йил аввал амалиётчи мутахассисларни ўқитиш, аттестациядан ўтказиш ва сертификатлаш мақсадида бошланган эди.

Бундай сертификатларга эга бўлган республикамиз бухгалтерлари олинган билимларини бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари қўлланадиган муассасаларнинг молия бўлимларида қўллаши мумкин.

Маълумки, дунёнинг кўпгина мамлакатлари молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини анчадан бери муваффақиятли қўллаб келмоқда. Бу эса давлатлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларда ҳар қандай тўсиқларнинг юзага келишига йўл қўймайди.

**(ЎзА).**



*Бепоён диёримизнинг шимолида жойлашган Устюрт кенгликларида улкан табиий бойлик заҳиралари мавжуд. Мўйноқ туманидаги «Шарқий Бердоқ» кони ана шулардан бири.*

*Айни чоғда бу ерда кунига 15-16 тонна газ конденсати қайта ишланмоқда.*

***Суратда: Ёшлар мураббийси Орол Ортиқов ишчи Икром Саитов билан ўзаро мулоқотда.***

**О. МУРОТОВ (ЎзА) олган сурат.**

## ОБОД ЮРТ - ФАРОВОН ҲАЁТ ДЕМАК

***Халқимиз ҳаётида маҳалланинг ўрни катта. Одамнинг қувончу ташвишлари, ҳаётида учрайдиган яхши-ёмон кунларида маҳалла аҳли доимо ҳамнафас бўлади. Шу боис давлатимиз раҳбари Ислом Каримов истиқлолимизнинг дастлабки йиллариданоқ маҳалла ижтимоий институтини янги босқичга кўтариш, уни демократик жамият қуришнинг асосий негизларидан бири сифатида ривожлантириш ғоясини илгари суриб келади. Президентимиз ташаббуси билан 2003 йилнинг мамлакатимизда Обод маҳалла йили деб эълон қилиниши мана шу хайрли ишнинг мантиқий давомидир.***

Пойтахтимизда ўтказилган «Ўз уйингни ўзинг асра» мавзуидаги йиғилишда шулар ҳақида сўз юритилди. Юртимиз тинчлиги, фуқароларимиз осойишталиги, осмонимиз мусаффолигини таъминлаш ички ишлар идоралари ходимлари зиммасидаги энг масъулиятли вазифалардандир. Жорий йилнинг 4 февралида республикамиз миқёсида бошланган «тозалаш тадбири» ана шундай хайрли мақсадга қаратилган. Мазкур тадбир доирасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашиш, профилактика чора-тадбирлари кучайтирилган тартибда олиб борилмоқда.

Йиғилишда сўзга чиққанлар ёшларимизни турли носоғлом ғоялардан асраш, юртимиз тинчлиги йўлида ҳушёр ва огоҳ бўлишда ҳуқуқ-тартибот органлари ҳамда жойлардаги таълим муассасалари ҳамкорликда талай ишларни амалга ошираётгани таъкидланди. Бунда фуқароларимиз бераётган ёрдамнинг ҳиссаси катта.

Республикамиздаги таълим муассасалари ҳам бу борада жойларда маҳаллалар билан ҳамкорликда талай ишларни амалга оширмоқда. Халқ таълими вазирлигидан олинган маълумотларга қараганда, тизимда Оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлигини мустаҳкамлашга қаратилган концепция ишлаб чиқилган. Ҳозир мазкур ҳужжатнинг ижроси таъминланмоқда.

**(ЎзА).**

***«Шодлик» А.Икромов туманидаги файзли ва кўркам маҳаллалардан. Бу ерда 6000 нафарга яқин турли миллат вакиллари аҳил-иноқ яшамоқда.***

– Жорий йилни «Обод маҳалла йили» деб эътироф этилиши маҳалламиз аҳлини руҳлантириб юборди,– деди фуқаролар йиғини раиси С.Бўзиев. – Ҳамжиҳатликда кенгашиб иш қилишга одатланиб қолган фаоллар учун бу айни муддао бўлди. Айни чоғда маҳалла дастурини ҳаётга татбиқ этишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Дарҳақиқат, маҳалла фуқаролар ўзини ўзи бошқаришнинг тенги йўқ институти бўлиб, меҳнаткаш халқимизнинг минг йиллик анъана ва ҳаётий тажрибаларини ўзида мужассам этган. Истиқлолга эришганимиздан сўнг унутилган урф-одатларимиз ва анъаналаримиз қайта тикланди.

Яқинда маҳалланинг 10 йиллик юбилейи нишонланди. Байрам тадбирига элга кўп меҳнати сингган фахрийлар Ш.Соипов, О.Ияров, М.Салоҳиддинов каби отахонлар таклиф этилди. Бу тиним билмас оқсоқоллар ҳозир ҳам фаол ҳаракатда. Ҳеч бир тадбир уларнинг маслаҳати ёки иштирокисиз ўтмайди. Юбилейда улар қаторида яна 12 нафар қарияга эсдалик совғалар ва туман «Маҳалла» ҳамда «Нуроний» жамғармаларининг фахрий ёрлиқлари топширилди. Бундан ташқари, маҳаллада истиқомат қилаётган ночор, кам таъминланган оилалар, ёлғиз ва бемор қариялар ҳолидан хабар олиниб, 300 минг сўмлик моддий ёрдам берилди.

## АСЛИ ДУНЁ МЕҲРДАН ЯРАЛГАН

Ёшларни ҳақиқий баркамол инсон этиб шакллантиришда маҳалланинг аҳамияти катта. Бу борада кўплаб ишлар қилинмоқда. Хусусан, ўқимай, ишламай юрган ёшлар ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб этилмоқда. Шу йилнинг январида ана шундай ёшларни тўплаб, туман меҳнат бўлими вакиллари иштирокида амалий учрашув ўтказилди. Натижада, улардан 15 нафари ишга жойлаштирилди, 5 нафар киши эса қайта ўқитишга жўнатилди.

Фаоллар билан профилактика нозирлари Х.Олтибоев, А.Хидировларнинг биргаликда иш олиб боришлари ўзининг ижобий натижасини бераётир. Ўтган йили ўсмирлар ўртасида ҳеч қандай жиноят

*Бор бўл, оқибат!*

содир этилмагани ана шу саъй- ҳаракатлар мевасидир.

Болалар спортини ривожлантиришда ҳам кўзга кўринарли ишлар қилинмоқда. Президентимизнинг бу борадаги Фармонини ҳаётга татбиқ этишда бир мунча ишлар қилинмоқда.

Айни кунларда педагог-тарбиячи, спорт устаси А. Аширов раҳбарлигида 60 нафардан зиёд ёшлар «Турон» миллий якка кураши бўйича машғулот олиб боришмоқда. Улар дастлабки ютуқларни ҳам қўлга киритишди. Жумладан, республика биринчилигида жамоа аъзолари 1 та олтин, 2 та кумуш ва 2 та бронза медалларига сазовор бўлишди.

Маҳалланинг саховатпеша тадбиркорлари ҳомийлигида 238-мактабда ёзги чўмилиш ҳавзаси қайта таъмирланиб, болалар ихтиёрига берилди. Ўсмирлардан таркиб топган футбол жамоаси маҳаллалар ўртасида ўтказилган мусобақанинг туман босқичида қатнашиб, иккинчи ўринни эгаллади. Бу йил маҳалла ҳудудида 2 та болалар майдончаси ва ўйингоҳ қуриш мўлжалланган. Тумандаги иккита йирик уй-жой мулкдорлари ширкат хўжалиги ҳомийликни ўз зиммасига олган. Шунингдек, тадбиркорлар ёрдамида ва ҳашар йўли билан янги гузар қурилиши бошлаб юборилди. Бунёд бўлаётган гузарда маҳалла аҳли учун маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ва оталар чойхонаси фаолият кўрсатади. Бу ерда ҳозирги кунда аҳолига 4 та дорихона, 30дан ортиқ савдо шохобчаси, 4та ошхона, 3та сартарошхона, 2та пойабзал устахонаси, тиш даволаш пункти хизмат кўрсатмоқда.

Ҳудудда ободонлаштириш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. О.Саидов, А.Исаев каби фаоллар бошчилигида уй-жой мулкдорлари ширкатининг ишчилари билан биргаликда кўча ва ариқларни тозалаш, турар жойлар ҳамда атроф-муҳит озодалигини сақлаш учун саъй-ҳаракатлар олиб боришаяпти. Яна бир эътиборга лойиқ томони шуки, маҳалла кенгаши қошида шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамияти билан биргаликда таянч пункти ташкил этилди.

**Одил ЭРГАШЕВ, «Ишонч» мухбири.**

## МАҲАЛЛА СПОРТ МАЙДОНЧАСИ

Жиззах шаҳридаги «Олмазор» маҳалласи ҳудудида ҳашар йўли билан 4та болалар спорт майдончаси қурилиши бошлаб юборилди. Орифжон Обидов, «Мустақиллик», Боҳа Аъламов, «Чаманзор», Комил Ёрматов кўчалари болаларининг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун шароит яратилади.

## НОДАВЛАТ СЕКТОР ИМКОНИЯТИ

***Хоразм вилоятида барча корхона ва ташкилотларнинг 84,5 фоизи нодавлат секторда фаолият кўрсатмоқда. Ялпи ички маҳсулотнинг 74, саноат маҳсулотларининг 94, қишлоқ хўжалик маҳсулотининг 99 фоизи айнан шу соҳага тўғри келмоқда. Қурилиш, аҳолига пулли хизмат кўрсатиш бўйича ҳам нодавлат сектор тобора кенг қулоч ёзмоқда.***

Фақат ўтган йилнинг ўзида вилоятда 2200 дан ортиқ нодавлат корхона ва ташкилотлар ташкил топди. Шу боисдан вилоят касаба уюшмалари ана шу соҳадаги ходимларни ўз сафига жалб қилиш мақсадида кенг кўламда тушунтириш ишларини олиб бормоқда. Оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилинмоқда. Касаба уюшмалари сафида бугунга келиб нодавлат сектордаги корхоналар ва ташкилотларнинг 319 минг нафардан ортиқ ходими ҳисобда туради. Яқинда «Хоразм – Палас», «Хоразм–Нуротоп», «Азия-текстил» қўшма корхоналарида касаба уюшма ташкилотлари тузилди.

Вилоят касаба уюшмалари ишсиз қолган ходимларни қайта ўқитиш, бошқа касбларга тайёрлаш масалаларига ҳам етарли эътибор қаратмоқда. Вилоят бўйича ўтган йили 6200 нафардан зиёд ходим қайта ўқитилди. Ўтган йилнинг ўзида ишга жойлаштирилган фуқаролар 14 минг нафардан зиёдни ташкил этди. Буларнинг деярли барчаси янгидан ташкил қилинаётган нодавлат ташкилотларга жойлаштирилди. Меҳнат ярмаркалари ўтказиш туфайли эса 2384 нафар фуқаро иш билан таъминланди.

Касаба уюшмаларида хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш, иш жойларини аттестациядан ўтказиш ва ходимларга тиббий хизмат кўрсатиш масалалари асосий йўналишлардан бири ҳисобланади. Буни ҳисобга олган вилоят касаба уюшмалари Кенгаши ходимлари 217 та нодавлат ташкилотларида текшириш ўтказиб, кўплаб меҳнат муҳофазаси қоида ва меъёрлари бузилиши ҳолатларини аниқлашди. Касаба уюшмаларининг саъй-ҳаракатлари туфайли ишлаб чиқаришда тан жароҳати туфайли ногиронлик нафақаси олувчи фуқаролардан 79 нафарига товон пули ундириб берилди. «Бунёдкор», «Урганч қурилиш конструкциялари» ҳиссадорлик жамиятлари раҳбарлари ногиронлик товон пулларини тўлашдан бош тортганликлари учун ишлари фуқаролик судига ўтказилди.

2001 йилда вилоят бўйича 1235 та ташкилотда жамоа шартномаси тузилган бўлса, ўтган йил бу рақам 1330 га етди. Уларда меҳнат қилаётган ишчи-хизматчиларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, ижтимоий муҳофазаси ҳимояланган.

Вилоятнинг бир қатор корхона, ташкилотларида касаба уюшмаларининг ҳаракатлари туфайли бу йилги жамоа шартномаларига қўшимча янги тадбирлар, имтиёзлар киритишга эришилди. Жумладан, «Хонқадон», «Урганчёғ», «Шовотғишт» ҳиссадорлик жамиятлари, «Доритал», «Уздунробита» қўшма корхоналарида ходимларни моддий томондан қўллаб-қувватлашга кўпроқ маблағ сарф қилинадиган бўлди. Аёлларга, меҳнат фахрийларига, ногиронларга, кўп болали оилаларга янги имтиёзлар белгиланди.

Агросаноат мажмуи, давлат муассасалари, ёқилғи-энергетика, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмалари вилоят қўмиталари нодавлат секторларга раҳбарлик қилаётган касаба уюшма раҳбарларини ўқитишга, уларнинг билим савияларини оширишга жиддий эътибор қаратмоқдалар. Мунтазам равишда касаба уюшма фаолларини ўқишлари ўтказилмоқда. Уларда касаба уюшма қўмитаси раислари, кадрлар бўлими бошлиқлари, техника хавфсизлиги муҳандислари, ҳисобчилар билимларини оширмоқдалар. Шунингдек, республика касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши қошида ташкил этилган ўқув марказида 49 нафар ходим малакасини ошириб қайтди.

**Йўлдош СОЛАЕВ, Хоразм вилоят касаба уюшмалари кенгашининг бўлим мудири.**

## РАИС АЛМАШТИРИШ «МУСОБАҚАСИ»

### Нишон туманига қимматга тушди

*«Ишонч» фош этади*

***Вазирлар Маҳкамаси мажлисида маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг вазифалари ва масъулиятини ҳуқуқий жиҳатдан аниқ белгилаб қўйиш, қуйи бошқарув бўғинларининг ишига ноқонуний аралашув ҳолатларига барҳам бериш зарурлиги алоҳида таъкидланди. Ширкат хўжалиги раҳбарларини тайинлаш ва озод қилиш соҳасидаги танқид остига олинган камчиликлар Қашқадарёга ҳам тааллуқлидир.***

Нишон вилоятдаги ишлаб чиқариш кучлари кенг ривожланган, катта ижтимоий-иқтисодий салоҳиятга эга бўлган ҳудудлардан ҳисобланади. Қарши чўлини ўзлаштириш ҳисобига ташкил этилган ушбу туманда бир вақтлар 70 минг тоннагача пахта, неча ўн минг тонналаб дон, сабзавот, полиз маҳсулотлари етиштирилган. Яйловларида 100 минг бошдан ортиқ қўй-қўзи боқилган ва қоракўл териси дунёга машҳур «Нишон» наслчилик хўжалиги ҳам ана шу мавзеда жойлашган. Тан олиш керакки, кейинги йилларда қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш соҳасида бир мунча ишлар амалга оширилди. Бултур дон тайёрлаш шартномавий режаси ортиғи билан бажарилди. Бироқ, мавжуд имконият ва резервлардан тадбиркорлик билан фойдаланилганда ютуқлар бундан ҳам салмоқли бўлиши мумкин эди. Ҳолбуки, туманда 49 минг 100 тонна ўрнига 43 минг 600 тонна пахта тайёрланиб, йиллик режа бажарилмай қолди. Ҳосилдорлик гектар бошига 19.6 центнерни ташкил этди холос.

Экин майдонларининг шўрланиб кетганлиги, деҳқончилик маданияти пастлиги, техника, минерал ўғитлар, сув ресурслари ва ишчи кучидан самарали фойдаланилмаганлиги оқибатида иқтисодий аҳвол анча мураккаблашди.

Туман агросаноат мажмуида иш ҳақидан қарздорлик 132 миллион 500 минг сўмни ташкил этди. Йил бўйи фидокорона тер тўккан меҳнат аҳли ойлик маошларини вақтида ололмадилар.

Вазирлар Маҳкамаси мажлисида кўрсатиб ўтилганидек, йўл қўйилган хатолардан бири-қуйи бошқарув бўғини кадрларини танлаш, тарбиялаш ва қайта тайёрлашга етарли эътибор берилмаётганлигидир. Биргина ўтган йилнинг ўзида мавжуд 18 та ширкат хўжалиги раҳбарларидан 60 фоизи икки-уч мартадан алмаштирилди. Масалан, «Ойдин» ширкат хўжалигида бир йилнинг ичида М.Дўстёров, П.Қонқаров, Э.Холтўраев, «Самарқанд» хўжалигида Э.Қодиров, С.Бўриев, Х.Усмонов, «Оқ олтин» хўжалигида эса Б.Арслонов, Р.Абраев, Қ.Холмўминов, Чўли Бегимқулов номли ширкатда А.Умаров, М.Норқулов, А.Турдиевлар раислик қилишди. А.Қодирий номли, Ҳамза номли, «Учмола», «Навбаҳор», «Дўстлик», «Пахтаобод» ширкат хўжаликларида ҳам икки мартадан раҳбар алмаштирилди. Хулоса қилиб айтганда, ҳар тўрт ойда янги раис тайинланди...

Раҳбарларни тасдиқлашда «Ширкат хўжалиги тўғрисида»ги низом талабларига амал қилинмади. Етарли билим ва тажрибага эга бўлмаган раҳбарлар меҳнат жамоаларида ишни ташкил қилолмасдан одамлар олдида бебурд бўлиб қолдилар. Лаёқатсизлик, меҳнаткашлар қалбига йўл топа олмаслик панд берди. Охир оқибат пахта йиғим-терими декабр ойида ҳам давом эттирилди. Экин майдонларини ҳайдашга рухсат берилмади. Мактаблар ва касб-ҳунар коллежларининг талабалари, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг ишчи-хизматчилари ёғингарчилик кунларда ҳам ҳосилни саранжомлашга сафарбар этилди. Лекин барибир раис алмаштириш «мусобақа»си самара бермади. Туманда кузги-қишки тадбирлар орқага сурилди. Ҳозирги кунга қадар чигит экилиши мўлжалланган 3 минг гектар майдон шудгор қилинмаган. Ерларни текислаш, пушта олиш, ариқ-зовурларни тозалаш, техника ремонти пайсалга солинмоқда.

Бир савол туғилади: раҳбарлар тез-тез вазифасидан озод қилинган экан, меҳнаткашлар манфаатлари ва ҳуқуқларининг ҳимоячиси ҳисобланган касаба уюшмалари нега четда томошабин бўлиб турипшибди?

Республика ҳукуматининг амалий ёрдами туфайли тумандаги кўпчилик хўжаликлар ўрнида фермер уюшмалари ташкил этилди. Жаҳон банки лойиҳаси асосида иқтисодиётни ривожлантиришга катта миқдорда маблағ ажратилди. Шунга қарамасдан қишлоқ хўжалигида қилиниши лозим бўлган долзарб вазифалар, ечимини кутиб турган муаммолар жуда кўп. Айни пайтда фермер хўжаликларини ривожлантириш, деҳқонлар онгида мулкка эгалик ҳиссини мустаҳкамлаш орқалигина аҳволни ўнглаш мумкин. Бунинг учун туман ҳокимлиги ва мутасадди ташкилотлар эски маъмурий буйруқбозлик тизимидан воз кечиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ва бу соҳага хизмат кўрсатувчилар ҳамкорлигини имкон борича тезроқ йўлга қўйишлари, шунингдек, техника, ёқилғи, транспорт, уруғлик, маблағ, кредит ва бошқа ресурслар билан таъминлайдиган ташкилотлар билан тузилган шартномаларнинг бажарилиши, одамлар моддий фаровонлигини ошириш тўғрисида жонбозлик кўрсатишлари керак.

**Иззат ҲИКМАТОВ, «Ишонч» мухбири.**

*«Ишонч»га жавоб берадилар*

## НОҚОНУНИЙ АЖРАТИЛГАН ЕР ХЎЖАЛИККА ҚАЙТАРИЛДИ

Таҳририятимизга Нарпай туманидаги «Самарқанд» ширкат хўжалигининг Туёқли қишлоғи аҳолисидан шикоят хати келган эди. Унда хўжаликка давлат томонидан вақтинча фойдаланиш учун ажратилган қўшимча ер майдони ўзбошимчалик билан талон-тарож қилинаётганлиги хусусида фикр юритилганди...

Яқинда ана шу хат юзасидан қуйидаги жавоб хатини олдик. Жумладан унда шундай дейилган:

«Туёқли қишлоғида яшовчи фуқаролар томонидан «Ишонч» таҳририятига ёзилган шикоят хати туман ер ресурслари хизмати ходимлари, хўжалик ер тузувчиси ва ариза муаллифлари иштирокида ўрганиб чиқилди.

Хатда кўрсатилган 26 нафар фуқарога ноқонуний йўл билан уй-жой қуриш учун ажратиб берилган ер майдони қайтадан шудгор қилиниб, хўжаликка қайтарилди. Хўжалик ерларини фуқаролар томонидан эгаллаб олинишига йўл қўйган кимсалар вазифасидан озод этилди.

**А.ЖАМИЛОВ, Нарпай тумани ҳокими.**

# ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИНИ ҲАЁТГА ИЗЧИЛ ЖОРИЙ ЭТАЙЛИК!

***Уйчи Наманган вилоятидаги аҳоли зич яшайдиган туманлардан. Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида бу ерда ҳам айрим тармоқларда ишчи ўринлари қисқараётганлиги табиий ҳол. Шунга қарамай, туман ҳокимлиги шароитдан келиб чиққан ҳолда муаммони бартараф этишга қаратилган аниқ тадбирларни амалга оширяпти.***

## КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕС

### миллий фаровонликка эришишнинг бош омили

Туманда 176 мингга яқин киши истиқомат қилади. Бугунги кунда улардан тенг ярми иш билан таъминланган. Шунингдек, ҳокимлик саъй-ҳаракати билан 500 киши ҳақ тўланадиган жамоа ишларига жалб этилган.

Маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда ўтказилган сўровлар ва аҳоли кенг қатламидаги ижтимоий ҳолатни ўрганиш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, туманда 200 дан ортиқ киши ишсиз сифатида рўйхатга олинган. Айниқса, бекор қолган аҳолининг айнан шу қатламини меҳнат ўринлари билан банд бўлишларига эришиш учун бор имкониятлардан фойдаланилмоқда. Масалан, ана шундай кишилардан 300 дан ортиғи ишсизлик нафақаси билан таъминланди. 250 нафари эса 3 ойдан 6 ойгача халқ хўжалиги учун ҳозирда зарур бўлиб турган бошқа касбларга ўқитилди. Шу муддат ичида уларга бандлик жамғармасидан энг кам иш ҳақининг 75 фоизи миқдорида нафақа пуллари тўланди. 20 га яқин ёшларга эса хорижда ишлаш учун йўлланмалар берилди. Бу йил шартнома асосида 70 нафар фуқарони чет элга юбориш режалаштирилмоқда.

Мамлакатимиз Президенти Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил Республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2003 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида ҳам «Мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик етакчи рол ўйнайдиган, кўп укладли иқтисодиёт жадал шаклланмоқда», дея нодавлат секторига алоҳида эътибор қаратдилар. Бинобарин, туман ҳокимлиги бу йўналишда асосан ишлаб чиқаришни ривожлантириш, саноатни тараққий эттиришни муҳим вазифа деб билмоқда. Бу борада кичик ва ўрта бизнес корхоналарини бунёд этиш, қўшимча ишчи ўринларини яратиш қўл келмоқда.

– Ҳозир туманимизда рўйхатдан ўтган 832 та хўжалик субъектлари бўлиб, улардан 742 таси кичик ва ўрта бизнес корхоналаридир,– дейди туман ҳокими Муҳиддин Валиев. – Бундан ташқари, 1033 та юридик шахс мақомига эга бўлмаган тадбиркорлик билан шуғулланаётган жисмоний шахслар фаолият кўрсатмоқда. Жорий йилда кичик ва ўрта бизнесни, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида 17 та фермер хўжалиги, 73 та деҳқон хўжалиги, 8 та кичик корхона ва 57 та микрофирма ташкил қилинди. Агар ўтган йил январ ҳолатига 595 та кичик корхона ва ўрта бизнес субъектлари мавжуд бўлган бўлса, йил якунига келиб улар сони 153 тага кўпайди. Энг муҳими, янги иш ўринлари яратилиб, халқ хўжалигининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатди.

Ҳозирда ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришда хусусий тадбиркорлар секторининг улуши 25 фоизни ташкил этмоқда. Ўтган йилда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида 301 миллион 305 минг сўм кредит берилди. Шуниси ҳам диққатга сазоворки, тадбиркорларимиз ўз маҳсулотлари билан бугунги кунда хорижга чиқмоқда. Кичик ва ўрта бизнес субъектлари томонидан 2002 йил давомида 74.4 минг АҚШ доллари миқдорида маҳсулот четга экспорт қилинганлиги фикримиз далилидир. Туманда ўрта ва кичик бизнесни ривожлантириш борасида янада катта режалар бор. Болалар спорти ривожига ҳисса қўшиш мақсадида «Ўн ҳаёт» қишлоғида тўп ишлаб чиқарадиган кичик корхона бунёд этилмоқда. Шунингдек, сабзавот ва мевалардан шарбат ишлаб чиқариш шохобчаси ишга туширилади.

Тумандаги янги ташкил этилаётган тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш жараёнини соддалаштириш ва ҳукумат қарорлари бажарилишига эришиш мақсадида «Бир йўла» принципи бўйича иш ташкил этилган. Шунингдек,кичик ва ўрта бизнес субъектларининг ахборот алмашувини йўлга қўйиш мақсадида «Ахборот маркази» ташкил этилди. Ушбу марказ компьютер ва факс аппаратлари билан жиҳозланиб, халқаро интернет тармоғига уланди.

**Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

***Гурлан туманидаги «Амударё» хўжалигида юзага келган аҳвол таҳлил этилганида аввало ҳал қилувчи бўғинларда фаолият юритаётган раҳбару мутахассислар онгида илдиз отган ўтмиш қолдиқларидан қутилиш жараёни ғоятда қийин кечаётганлиги маълум бўлди. Шу боис давр тақозоси асосида тузилган ширкат эски жамоа хўжалигидан деярли фарқ қилмасди. Демак, шакл ўзгарса-да, моҳият, маъно-мазмун эскича қолган.***

## ШАКЛ ЎЗГАРДИ

### моҳият, маъно-мазмун-чи?

Хўжалик раҳбарлари, касаба уюшма қўмитаси ширкат хўжалиги жамоа хўжалигининг пайчилик асосига қурилган батамом янги шакли эканлигини, унда мулкка, ерга мутлақо янгича муносабатни жорий этиш лозимлигини одамлар онги, шуурига чуқур сингдиришга ҳаракат қилди. Бундан буён ҳар бир ишловчи хўжалик муваффақиятига қўшган шахсий ҳиссасига қараб ҳақ олажаги маълум қилинди. Яна бир муҳим омил - ердан қандай фойдаланиш, қаерга нима экиш каби эски қарашларга батамом барҳам берилди. Шундан сўнг ноз-неъмат бунёдкорларида кўтаринкилик, ерга эгалик ҳисси кучайди. Вақт ўтиши билан янги-янги ташаббуслар юзага келди.

Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, тадбиркорликка кенг имкониятлар яратиш ҳам эътибордан четда қолмади. Кулолчилик ривож топди, кичик корхоналар ишга туширилиб, ғишт ишлаб чиқариш, гуруч оқлаш, кундалик эҳтиёж молларини тайёрлаш йўлга қўйилди. Хўжалик раҳбарлари, касаба уюшмаси вазиятга тўғри баҳо бериб, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ҳамда ижтимоий ҳимояга эътиборни кучайтирдилар. Бир вақтлар қурилиш борасидаги айрим хайрли ишларнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрлаб қўйилганди. Улар амалиётга жорий этила бошланди. Баъзан таваккалчилик ҳам катта наф келтиради. Қиш бўлишига қарамай учта қишлоқда замон талабига мос қишлоқ врачлик пункти қурилиши жадал бошлаб юборилди. Тадбиркорлар, фермерлар билан ҳамкорлик мустаҳкамланди, иш излаб юрган ёшларни фойдали меҳнатга жалб этиш мақсадида цехлар қурилди. Эндиликда эллик нафардан ортиқ ёшлар турли рўзғорбоп маҳсулотларни ўзлари ишлаб чиқаришмоқда.

Белгиланган тадбирларда аҳолини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш масаласи алоҳида ўрин тутади. Саъй-ҳаракат зое кетмади. Юз фоиз аҳоли табиий газ, ичимлик сувидан баҳраманд бўлаяпти. Бунга қўшимча газ трубалари, сув қувурларини тортиш ҳисобига эришилди. Эндиликда мазкур ширкат хўжалигида бўлиб, натижаларни уч йил аввалги аҳвол билан таққосласангиз, ютуқлару ўзгаришлар кўлами нақадар салмоқли эканлигини яққол ҳис этасиз. Кўчалар ободонлаштирилиб, асфальтланди. Яроқсиз ҳолга келган бинолар таъмирланди, ўнлаб савдо шохобчалари, маданий-маиший хизмат кўрсатиш муассасалари, гузар, новвойхоналар вужудга келди. Умуман, ўтган йиллар сабоқларидан тўғри хулоса чиқариб, ғайрат-шижоат билан меҳнат қилаётган «Амударё» ширкат хўжалиги деҳқонлари учун шаклланиш, юксалиш даври бўлди. Ҳосилдорлик шолидан гектарига қарийб 51 центнерни, ғаллачиликда эса 44 центнерни ташкил этди.

Ҳамма нарса иқтисодиётга бориб тақалади. Касаба уюшма қўмитаси ижтимоий ҳимояни йил сайин жонлантирмоқда. Ўтган йили ўн киши республика миқёсидаги санаторийларда дам олиб, саломатлигини мустаҳкамлади. Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган кишилар оталикка олинган. Бир нарса кишини қувонтиради: эндиликда одамлар ҳақ-ҳуқуқларини қатъий туриб ҳимоя қилмоқдалар. Бир мисол, ўтган мавсумда пиллакорлар давлатга кумуш тола сотиш шартнома режасини ортиғи билан уддалаган бўлсалар-да, «Гурланпилла» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти уларга тегишли 4,5 миллион сўм маблағни бермай пайсалга солиб келаётган эди. Касаба уюшма фаоллари аралашуви билан бу иш ижобий ҳал этилди.

- Вазирлар Маҳкамаси мажлисида ширкат хўжаликлари раҳбарларини сайлаш ва лавозимидан озод этиш тартибини тубдан қайта кўриб чиқиш ва қаттиқ назорат қилиш масаласи кўндаланг қўйилганлиги барчамизни қувонтирмоқда, - дейди биз билан суҳбатлашган кўплаб деҳқонлар. - Ўйлаймизки, бу билан айрим жойларда йўл қўйилаётган нуқсонлар барҳам топади.

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

## БИР УМР ЭЛ ХИЗМАТИДА

Бу оқшом Лутфулла ота Мирзаевлар хонадони янада гавжум бўлди. Яқин-йироқдан қавм-қариндошлар, ўғил-қизлар, куёв ва келин, набиралар билан очиқ дастурхон устида ўтказилган суҳбат оила бекаси Каромат ая ҳамда Лутфулла оталарнинг босиб ўтган мазмунли ҳаёт йўли, ибратли ишлари хусусида борди.

Дарвоқе, Қарши шаҳридаги «Қиличбек қўрғонча» маҳалласида истиқомат қилаётган Мирзаевлар хонадони маҳалладаги ибратли оилалардан бири саналади. Бир неча йил Қарши чўлқуварлари сафида туриб меҳнат қилган, катта бунёдкорлик ишларига бош-қош бўлган отахон ўзининг 75 ёшини, оила бекаси Каромат ая ёшини оила аъзолари давпайғамбар расида кенг нишонладилар. Бу ерда ҳозир бўлган маҳалла фаоллари, оқсоқоллар хонадон шаънига илиқ сўзлар айтиб, қизғин қутладилар.

*Ибрат*

Оиланинг 9 нафар фарзанди бўлиб, барчаси ўзидан тинган. Бола-чақали. Маҳалланинг катта-ю кичигигача бу хонадонга ҳавас қилади.

– Ота-онанинг бирдан-бир орзуси фарзандлар камолини кўриш,– дейди Лутфулла ота. – Аллоҳга минг қатла шукурлар бўлсинки, фарзандларим қобил чиқишди. Уларнинг меҳрибонлигини айтмайсизми! Қўни-қўшниларимиз оиламиз аъзолари билан ҳамкору ҳамнафас. 2003 йил мамлакатимизда «Обод маҳалла йили» деб эълон қилинганлиги биз кексалар кўнглини тоғдек кўтарди. Маҳалламизнинг кун сайин гўзаллашиб, ободонлашиб бораётганлигини кўриб ич-ичимдан қувонаман.

Яқинда маҳаллада яшаётган бир гуруҳ отахонлар ажойиб бир таклиф билан чиқдик. Ҳашар йўли билан маҳалланинг янги гузарини қуриш, унда биз кексалар бир-биримиз билан дийдорлашиб туришимиз учун чойхона барпо этишни ният қилгандик. Яқинда ана шу хайрли ишга фатво бериб иш бошлаб юборилди. Насиб этса Наврўз байрами арафасида оталар чойхонаси ишга тушади.

Амалга оширилаётган бу хайрли тадбирларда маҳалла кексалари бош-қош бўлиб турганликлари кишини қувонтиради, албатта. Мирзаевлар хонадонида ўтказилган тадбирда ҳам отахонлар иштирок этиб, хонадон шаънига илиқ сўзларни айтганлари бежиз эмас.

Автомобил ва йўл ходимлари касаба уюшма вилоят қўмитаси раиси Шукрулла Мирзаев онахон ва отахонни қизғин табриклаб, оиладаги тотувлигу маҳалладаги осойишталик ҳамжиҳатлик туфайли эканлигини таъкидлади. Зеро, кексалар дуоси ҳамиша кишини эзгуликка чорлайди.

**Шавкат СУЛТОН,**
**«Ишонч» мухбири.**

*Денов туманидаги Машина трактор парки жамоаси бу йилги мавсумга пухта тайёргарлик билан келди. Шу кунгача чопиқ, пушта олиш, бороналаш ва бошқа техникалар баҳорги юмушларга шай қилиб қўйилди. Муҳими 100дан ортиқ эҳтиёт қисмлар шу ернинг ўзида тайёрланмоқда.*

***Суратда: чилангар Ҳайитмурод Анорбоев.***

**Ш. ШАРОПОВ (ЎзА) олган сурат.**



*Тадбиркорлик — давр талаби*

## «ҚУВОНЧ»НИНГ СИФАТЛИ ОШ ТУЗЛАРИ

Сир эмаски, кейинги пайтларда дўкондан туз харид қилган харидорлар маҳсулотнинг сифатига шубҳа билан қарайдиган бўлиб қолишган. Чунки йодланмаган маҳсулотларнинг истеъмоли аҳоли ўртасида бўқоқ касаллигининг кўпайишига олиб келаётганди.

Таъкидлаш жоизки, Хоразм вилоятида бу масалага жиддийроқ ёндошган ҳолда йодланиш даражаси меъёрида бўлган сифатли туз маҳсулотини савдога чиқармоқда. Воҳада илк бор бу хайрли ишга ишбилармон Нуриддин Отажонов қўл урди ва уддасидан чиқди. У бош бўлган «Қувонч» фермер хўжалиги қошида ош тузи ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ўтган йили 300 тоннадан ортиқ туз маҳсулоти ишлаб чиқарилди. Айни кунларда жамоанинг товар айланмаси 23 миллион сўмдан ошган. Цехда 17 нафар киши меҳнат қилади. Шаҳло Отажонова, Матлуба Самандарова, Бекберган Латипов, цех бошлиғи Арслон Матниёзов сингарилар пешқадам ишчилардан саналади.

«Қувонч»нинг 10 гектар ер майдони ҳам бор. Эрта баҳорда яхши ниятлар ила ерга уруғ қадаган 6 нафар пудратчи буғдой, полиз, пахтадан юқори ҳосил олишди. Етиштирилган ҳосилдан далада ва туз цехида ишловчиларнинг барчасига 1 тоннадан буғдой берилди. Бундан руҳланган ишчилар иш самарадорлигини ошириш йўлида астойдил меҳнат қилишмоқда.

**Б.ЭРНАФАСОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

Тошкент давлат шарқшунослик институти талабаларига замонавий таъмирланган талабалар уйи топширилди.

Талабалар уйининг биринчи қаватида жойлашган компьютер синфи замонавий ускуналар билан жиҳозланиб, интернет тармоғига уланди. Шунингдек бу ерда тиббий бўлим ҳам очилган. Ҳар бир хонада икки нафар талаба

## ИХТИРО АМАЛИЁТГА

яшаши мўлжалланган. 220 нафар талабага мўлжалланган иншоот таъмирига жами 200 миллион сўм маблағ сарфланди.

Бино фойдаланишга топширилган куни мазкур талабалар уйида Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг кенгайтирилган ҳайъат йиғилиши ўтказилди. Унда республикамиздаги олий ўқув юртларининг илмий ишлар бўйича проректорлари ва илмий ходимлари иштирок этди. Йиғилишда таълим муассасаларининг кейинги уч йил мобайнидаги илмий тадқиқотлари таҳлил қилинди. Унга кўра, 902 та ихтирога патент олинган. Тадбирда мазкур ихтироларни амалиётда қўллаш самарадорлигини ошириш бўйича дастур ишлаб чиқилди.

**“Туркистон-пресс”**

*Масала кўндаланг қўйилади*

***Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2003 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган мажлисида бошқа вилоятлар қаторида Андижон вилояти ижтимоий ҳаёти ҳамда халқ хўжалиги соҳасидаги камчиликлар танқид қилинди. Қуйида шулар ҳақида гап боради.***

## ТАБИИЙ ГАЗ ЯШИРИНЧА ИШЛАТИЛГАНДА

Бу йилги қиш мавсумида Андижон вилоятида иссиқлик тармоқлари фаолиятига жиддий эътирозлар билдирилди. Совуқ кунларда саноат корхоналари, коммунал-маиший хизмат нуқталари, таълим-тарбия ва даволаш муассасалари, аҳоли хонадонлари етарли даражада иситилмади.

Аслида вилоятни газлаштириш ва таъминотни яхшилаш борасида кўп ишлар қилинди. Мавжуд 312 километр узунликдаги газ қувурларини тозалаш юмушлари амалга оширилди. 336 километр ер ости қувурларининг мустаҳкамлиги текширувдан ўтказилди. Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш дастурига мувофиқ 97,8 километр газ ва 70,4 километр ичимлик сув тармоқлари фойдаланиш учун топширилди. 22 та қўшимча «зангори олов» тақсимлаш қурилмалари ўрнатилди. Аҳоли тиғиз яшайдиган Андижонда 316 мингдан ортиқ хонадон газдан фойдаланмоқда. Табиий газлар коммунал-маиший хизмат корхоналарига ҳам етказиб берилди. Бироқ, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида белгиланган вазифалар тўлиқ адо этилмаётир. Хусусан, вилоят марказида 17100 дона ўрнига 4000 дан ортиқ газ ҳисоблаш ускуналари ўрнатилганлиги, режанинг атиги 20 фоизи бажарилганлигини нима билан изоҳлаш мумкин?

Қорасув, Шаҳрихон шаҳарлари, Марҳамат, Пахтаобод, Улуғнор, Жалолқудуқ, Балиқчи туманларида янги газ тармоқлари қурилганлигига қарамасдан «Андижонгазтаъминот» шўъба корхонасида табиий газдан фойдаланганлик учун қарздорлик камаймаяпти. Қарзлар 1,5 миллиард сўмдан ошиб кетди.

Кўплаб истеъмолчилар, корхона ва ташкилотлар тежамкорлик таомилига қатъий амал қилмаётирлар. Ўтказилган текширишларда 700га яқин қонун бузиш ҳоллари маълум бўлди. 1332 та иссиқхоналарнинг тартибга хилоф равишда газ билан таъминланаётганлиги аниқланди. 628 киши газ қувурларига рухсатсиз уланиб, 8445,5 минг сўмлик табиий заҳираларни яширинча ишлатганлар. Улардан 157 нафари маъмурий жавобгарликка тортилди. Асака туманидаги А.Тожибоев, О.Тожибоев, Андижон туманининг Шўрбулоқ маҳалласида яшовчи Ж.Холнеъматов, Ш.Хамидов, Андижон шаҳрининг Чўққитепа кўчасида яшовчи О.Холматов кабилар эса оҳак цехлари очиб олиб, табиий газни ўзбошимчалик билан ишлатганлар.

Эътироф этиш керакки, мутасадди ташкилотлар газ қувурларини тобга келтириш, махсус жиҳозлар билан тозалаш, тақсимлаш шохобчалари йўлларини, қудуқларни текшириш, ноқонуний газлаштирилган хонадонларни аниқлаш ишларини давом эттирмоқда.

Корхона, хўжалик, ташкилотлар, фуқаролар йиғинлари раҳбарлари, маҳалла оқсоқоллари юқорида қайд этилган нуқсонларни тезда тузатишга алоҳида эътибор беришлари лозим. Зотан, Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида жойлардаги ишларни яхши йўлга қўйиш масалаларига жиддий эътироз берилди. Зеро, камчиликлар қанчалик тезлик билан барҳам топса, мамлакатимизнинг иқтисодий, ижтимоий, маданий, маърифий салоҳияти шунчалик зудлик билан жадаллашаверади.

**И.ИСОМИДДИНОВ.**

*Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда*

## ЙЎЛОВЧИЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

«Бухоро-1» шоҳбекатида бўлганмисиз? Кейинги 2-3 йил ичида шоҳбекат қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгарди. Бу ерда Бухорога темир йўл орқали келаётган хорижлик сайёҳлар, турли вилоят ва шаҳарлардан ташриф буюрган ёҳуд хизмат юзасидан қадам ранжида қилаётган юртдошларимиз учун барча қулайликлар яратилган.

Темир йўл вокзали чиптахоналаридан исталган йўналишлар бўйича йўл чипталарини харид қилиш, маънавият хоналарига кириб, ҳийла ҳордиқ чиқаришингиз мумкин. Бино ичкарисида овқатланиш, маиший хизмат кўрсатиш нуқталари ишлаб турибди. Хоҳлаган шаҳрингиз билан телефон орқали боғланишингиз мумкин.

Шоҳбекат маъмурияти йўловчиларга беминнат хизмат кўрсатишни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган. Яқинда бу ерда яна бир қулайлик жорий этиладиган бўлди. Эндиликда йўловчилар чипталарни фақат вокзалда эмас, балки шаҳарда ташкил этилган махсус жойлардан ҳам харид қилиш имконига эга бўлдилар.

- Илгарилари Когон шаҳрига бориб, патта борми-йўқми деб ҳавотир чекканча йўлга чиқардим. Энди бунга ҳожат қолмади. Бухорода туриб, бу масалага аниқлик киритиш имконияти яратилгани биздек кекса йўловчилар учун айни муддао бўлди,–дея сўзлайди отахон Д.Давлатов.

**Усмон НАВРЎЗ,**
**«Ишонч» мухбири.**

***Навбаҳор туманида мактаблар учун қайта таъмирлаш ишларига ҳам катта эътибор қаратилмоқда.***

## ҲОМИЙ ЁРДАМИ

Бунда айниқса ҳомийлар ёрдами ҳамда бюджетдан ташқари ишлаб топилган маблағлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жумладан ўтган йили шу асосда 24-мактабнинг эски биноси ўрнида қайтадан 5-синф хонаси ва зал қад ростлади. «Самарқандавтогаз» корхонаси раҳбари Жуманиёз Бўлибеков шахсий жамғармаси ҳисобидан ўзи ўқиган мактабга 2 миллион сўм ёрдам кўрсатди. Мактаб жамоасининг «Наврўз» ширкат хўжалиги ҳудудидан ажратилган ерда ишлаб топган 300 минг сўм маблағи ҳам ана шу эзгу ишга сарфланди. Хайрли тадбирдан ота-оналар ва бошқа тадбиркорлар ҳам четда қолмадилар.

**Ялғош САРИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

## Аждодларимиз

***Ўзининг бекиёс ижоди билан урду адабий тилига асос солган ва ҳинд шеъриятининг мумтоз даврини якунлаган, ҳам Ҳиндистон, ҳам Покистоннинг фахру ғуруриға, ҳар икки миллатнинг тимсолига айланган оташнафас шоир Мирзо Асадуллохон Ғолиб асли туркистонлик бўлиб, ўзбекларнинг ойбек уруғидандир. Унинг бобоси Мирзо Кўконбек Самарканд амирзодаларидан бўлган отаси Турсунхон билан аразлашиб, XVIII аср ўрталарида Ҳиндистонга бориб қолади. Мирзо Ғолиб ана шу кишининг Абдуллабек деган ўғли ва Бухородан Ҳиндистонга келиб қолган Хожа Ғулом Ҳусайн деган кишининг қизи Иззатуннисодан 1797 йили Агра шаҳрида туғилади. Маълум бўладики, ҳинд заминида туғилган бўлишига қарамай, Мирзо Ғолиб ота томонидан самарқандлик, она томонидан бухоролик. Бинобарин, уни нафақат ҳинд ва урду, балки ўзбек халқининг ҳам шоири дейишга ҳақлимиз.***

# МИРЗО ҒОЛИБ

Ҳаёт Мирзо Ғолибни жуда оғир тақдир гирдобида ташлади: у беш ёшида укаси Юсуфхон ва синглиси Чҳотийбегим билан отадан етим қолади. 9 ёшида уларни қўллаб турган амакиси Насруллобек ҳам ҳалок бўлади. Отаси ва амакисининг ўлимидан сўнг мерос тақсимотини Насруллобекнинг қайноғаси Аҳмад Бахш ўз қўлига олиб, Мирзо Ғолиб оиласига арзимас улуш ажратади. Шу тариқа, ёш Асадулло тақдир зарбаларига дуч келади. Лекин азалдан кўргуликлар ожизларни маҳв этиб, кучлиларни эса, аксинча, тоблаб, янада юксалтиргани каби Мирзо Ғолибни ҳам жудолик ва қашшоқлик синдиролмади, балки у қийинчиликларни матонат билан енгиб, Ҳиндистон ва Покистон, шу билан бирга, жаҳон адабиётининг забардаст намояндаларидан бирига айланди.

Маълумки, Ҳиндистонда яшаб, ижод этган машҳур форс-тожик шоири Ҳусрав Деҳлавий ҳам асли Шаҳрисабздан эди. Шуни назарда тутиб, Мирзо Ғолибга замондош бўлган шоир Наййар ёзган эди: «Ҳиндистон форс шеърияти лотин уруғидан бўлган туркдан бошланиб, ойбек уруғидан бўлган туркда ниҳоясига етди».

Дўсти Сирожиддин Аҳмадга ёзган мактубида Мирзо Ғолиб ўзининг келиб чиқиши ҳақида, жумладан, шундай дейди: «Ўзим асли турк ман, насл-насабим илдизи Пашант ва Афросиёбга бориб тақалади. Ота-боболарим эса салжуқлар билан бир томир. Ўз вақтида улар қудратли ҳарбий саркардалар ва раҳнамолар бўлишган, кейинчалик эса Турон ерига келиб, Самарқандда турғун бўлиб қолишган».

***Шу Туроннинг табаррук***
***ҳокиданман аслида,***
***Ғолиб,***
***Шунинг-чун шодмон,***
***наслу насабда***
***номдордирмиз.***
***Эрурмиз Туркистон насли,***
***туғилганмиз шу тупроқда.***
***Улуғ зотларни ўстирган***
***элат ҳамда диёрдирмиз.***
***Эрурман Туркистон***
***аҳлидану Ойбеклигим***
***равшан.***
***Тўлин ойдан кўра ўн қатла***
***ҳусндордирмиз.***
***Азалдан ота касби бизгадир***
***деҳқончилик, билгил,***
***Самарқанд боғбони наслию***
***хуш касб-кордирмиз.***

Мирзо Ғолиб назм билан бирга, насрда ҳам қалам тебратган. Унинг «Дастанбу», «Меҳри нимрўз», «Панжи оҳанг» каби асарлари урду адабиётининг ноёб дурдоналари ҳисобланади.

Ўзбек тилида Мирзо Ғолибнинг икки шеърий тўплами нашр этилган. Биринчиси, «Шайдо» номи билан 1965 йили босилиб чиққан. Мажмуадан ўрин олган шеърларни Ёнғин Мирзо ва Раҳмонберди Муҳаммаджоновлар урду тилидан таржима қилишган. Ҳинд ва ўзбек халқларининг маданий-адабий алоқалари бўйича катта ишларни амалга оширган доктор Қамар Раис китобга кириш сўзи ёзган. У, жумладан, шундай дейди: «...Унинг шеърлари шу қадар маънoли, шу қадар нозик-латофатлики, уларни изоҳлаш учун урду ва инглиз тилларида ўн тўртта қалин китоблар ёзилгани бежиз эмасдир. Ўтган юз йил давомида Мирзо Ғолибнинг шеърлар мажмуаси – ғазаллар девони юз марта чоп қилинганлиги тасдиқлайди».

Ғолиб ўзининг шеъриятдаги даражасини яхши билган. Шунинг учун ҳам у ўзи ҳақида мана бундай фахрия мисраларни битади:

***Яна кўпдир жаҳонда яхши-***
***яхши шоирлар,***
***Аммо дерлар: «Ғолиб андоза***
***баён бошқа».***

Шоир бир шеърида ёзади: ишқ менинг тимсолимда ўзининг доимий маҳрамини топган эди, энди мен ўлсам, у етим қолади:

***Ишқнинг ғариб ҳолига келур***
***Ғолиб хўрлигим:***
***Борур кимнинг қошига***
***дарду бало, мендан сўнг?***

Шоир фикрларини бадиий санъатлар, нозик кузатишларини оҳорли ташбеҳлар қатига ўрайди. Оддий кўз билан кўриб бўлмайдиган ҳодисаларни кўради, оддий одамлар сезмай, ёнидан бепарво ўтиб кетадиган ҳодисаларни ҳис қилади. Шоирнинг шоирлиги, илоҳий қисматдан насибадор эканлиги ҳам шунда-да:

***Ким айтади булбулнинг***
***ноласи беасар деб?***
***Парда ичида гулнинг***
***бағридур минг чок, билсанг.***

Инсон зоти борки, ўтган умридан қониқмайди: ҳамиша ниманидир қилиб улгурмаган бўлади, қайсидир ишидан кўнгли тўлмайди; ўзини қилганидан кўра кўп ишларга қодир деб билади. Шунинг учун ҳам бир умр ибодат қилиб ўтганига қарамай, пушаймонлик ҳисси бани башарни тарк этмайди. Шоирнинг қуйидаги байти шу хусусда:

***«Умр ўтди», деган ғам эзади***
***ҳар ҳолатда,***
***Ҳатто умр бўйи қилган***
***ишинг ибодат бўлсин.***

Мирзо Ғолиб ўз ижодида Соиб Табризий, Мирзо Бедил каби буюк салафларига эргашиб, сабки ҳиндий – ҳинд услубида ижод қилган. Бу услубда ёзилган шеърларнинг бадиий жиҳатдан пишиқ, мазмунан теранлиги - бир неча маъно қатламларига эгалиги маълум. Шунинг учун ҳам уларни бошқа тилларга таржима қилиш қийин. Шунинг учун ҳам уларни тушунтириш учун қатор-қатор шарҳ китоблари яратилган ва яратилмоқда. Шоирнинг шеърий балоғатидан баҳраманд бўлиш учун унинг шеърларини аслида ўқиш керак:

***Хондем суханҳои муҳаббат***
***бисъёр,***
***Рондем суханҳои муҳаббат***
***бисъёр.***
***Рафтем ахир зи оламу дар***
***олам***
***Мондем суханҳои муҳаббат***
***бисъёр.***

Мазмуни: «Муҳаббат ҳақида кўп нарсалар ўқидик. Муҳаббат ҳақида кўп фикрлар юритдик. Охир-оқибат оламни тарк этдигу оламга муҳаббат ҳақидаги кўп сўзларни қолдирдик».

Бундай фақат қофия ва радифдан иборат рубоийлар кўплаб форс-тожик ва ўзбек мумтоз шоирлари ижодида яратилган. Жумладан, Навоий ва Бобурнинг шундай рубоийлари машҳур. Бундай рубоийлар муайян тилнинг сўз бойлигига асосланди ва уларни бошқа тилда худди шундай шаклда қайта яратишнинг деярли иложи йўқ.

Ўз фикрларини асослаш учун ҳикматомуз бир фикр келтириш, далиллаш ҳинд услубининг ўзига хос хусусияти ҳисобланади. Шунинг учун ҳам шоир ҳинонинг барги қанча кўп бўлса-да, меваси бўлмагани каби хастанинг илтижоси чегара билмаса-да, унинг самараси йўқ, дейди.

Урду мунаққиди Абдураҳмон Бижпурийнинг ёзишича, Ҳиндистонда энг ўқимишли китоблар бу - муқаддас «Веда» ва Ғолибнинг девонларидир.

Ғолибни суханнварлик бўстонининг булбули ва маъно шакаристонининг тўтиси деб лутф этадилар.

Ҳинд тили ва адабиётининг билимдони, таниқли шоир ва моҳир мутаржим Амир Файзулланинг ёзишича: «Мирзо Ғолиб шоншуҳратини акс эттирувчи халқ таъбирларидан бирида айтиладики, мабодо Ҳиндистон ва Покистонга келиб қолган ҳар қандай чет эллик ўзининг кимлигини ва бу мамлакатларга хайрихоҳлигини билдириши учун ҳужжат кўрсатиши унча аҳамиятга эга эмас, у бир оғиз «Мирзо Ғолиб» сўзини тилга олса, шунинг ўзи кифоя демак, у ҳиндлар ва покистонликларнинг самимий дўсти».

XX асрда Мирзо Ғолибнинг шуҳрати бутун дунёга ёйилди. Деҳли, Алигарҳ, Ҳайдаробод, Лоҳур ва Карачи шаҳарлари шоир ижодини ўрганишда йирик марказлари бўлиб келмоқда. Ҳиндистон ҳукумати, шахсан Индра Ганди ташаббуси билан Деҳлида ташкил этилган Ғолиб уйи ва Ғолиб академиясидаги китоб жавонлари жаҳоннинг турли мамлакатларида чоп этилган шоир ҳақидаги рисолалар ва асарларининг турли тиллардаги таржима нашрлари билан тўла.

**Эргаш ОЧИЛОВ,**
**филология фанлари номзоди.**

# «МАЛИКАНИНГ ЭРТАКЛАРИ»



Малика Раҳмонбекова Жаҳон тиллари университетининг француз филологияси бўлими биринчи курс талабаси. У 5 ёшдан бошлаб расм чизади. 1995 йили унинг «Ўзбекистон-менинг Ватаним» мавзуида чизган расмлари Юртбошимиз назарига тушган. Мамлакатимиз Президенти унга ташаккурнома билдирган эди. Маликанинг 1996 йилдаги «Буюк ипак йўли» доирасидаги ижоди ҳам муносиб баҳоланди. Улуғбек номидаги иқтидорли ёшларни қўллаш жамғармасининг I ва II даражали дипломлари билан тақдирланган. Маликанинг илк устози, холаси — Доимахон Раҳмонбековадир. Айни пайтда устози Францияда, санъат соҳасида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Шу боис бўлса керак, Малика француз тилига ҳам ўзгача меҳр билан қарайди. Диёрини, унинг ранг-баранг жилога кирувчи табиатини меҳнатсевар кишиларини севади. Уларни матога тушуришга шошади. Мурғак қалбига оқиб кираётган шуълага ёғдусини хорижлик тенгдошларига етказишни истайди. Шу ниятда ўқиб, изланмоқда.

Куни кеча Франция элчихонасининг маданият маркази директори ўринбосари, француз тили ҳамкорлиги атташеси Жаклин хоним Плесси унинг тўгарак фаолияти билан танишди. Маликанинг ишларига юксак баҳо берди. Француз тилини ўрганаётган ўқувчилар билан суҳбатда бўлди.

Ўтган йили Маликанинг илк китоби — «Маликанинг эртаклари» босмадан чиқди. Эртаклар — болалигида бувасидан эшитганлари. 2-синф ўқувчиларининг «Одобнома»сида унинг «Доно момо» ҳақидаги эртагини ўқиш мумкин. Ёрдамчи мактабларнинг «Алифбе», «Ўқиш китоби»да ҳам қатор эртак ва ҳикоялари ўрин олган.

**Суратда: Франция маданият маркази директори ўринбосари, француз тили ҳамкорлиги атташеси Жаклин хоним Плесси Маликанинг тўгарак фаолияти билан танишмоқда.**

**Муҳаммад АМИН**
**(УзА) олган сурат.**



# ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

## Ранг-баранг олам

### ҚОҒОЗНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШИ

Қамишсимон папирус ўсимлигидан варақ тайёрлаш азалий кашфиётлардан бири бўлган эди. Китобларда хурмо дарахти барглари, мум суртилган ёғоч плиткалар, суякларга ёзилган саҳифаларни бириктиришлардан фойдаланиш ҳам йўлга қўйилди.

«Авесто» китоби эса ҳўкиз териларига битилганлигини кўпчилик яхши билади. Бу усул, яъни пергамент жуда қимматли, айни вақтда кўпгина ҳайвонларнинг қирилиб кетишига сабабчи бўлишидан ташвишга тушган авлодлар кейинчалик терига ёзилган бошқа ёзувларни ёзишни ҳам анъанага киритишган.

Бироқ пергаментга ёзилган кўпгина ноёб фикрлар китоблари йўқ бўлиб кетиши ҳам кўпчиликни ташвишга солганлиги боис, қоғоз ишлаб чиқариш кашф этилди. Академик Н.Лихачевнинг тадқиқотига кўра, дастлабки қоғоз китоблар Исо алайҳиссалом таваллудидан икки асрлар олдин бўлган экан.

**А. АЛИЕВ.**

## Тож киймаган чемпионлар

***XIX асрнинг биринчи ярмида кўплаб шоирлар, ёзувчилар, композиторларни илҳомлантирган романтизм ғоялари шоҳмотда ҳам ўз аксини топди. Ўз даврининг романтик кайфиятларини шоҳмот тахтасида акс эттира олган пешқадамлардан бири германиялик Адольф Андерсен эди.***

# АНДЕРСЕН

...1851 йилнинг июн ойи. Жаҳон шоҳмот ихлосмандларининг диққат-эътибори Англия пойтахтига қаратилган. Бу ерда биринчи халқаро турнир ўтказилмоқда. Унинг иштирокчилари орасида кўплаб машҳур уста шоҳмотчилар билан бир қаторда «янгилар» ҳам бор. Шоҳмот олами улар ҳақида ҳали ҳеч нарса билмайди. Германиядан келган бреславллик ўттиз икки ёшли ўқитувчи Адольф Андерсен ҳам ана шулар жумласидан эди. Тақдирнинг ўйинини қарангки, шоҳмот тарихида янги давр очиб берган мусобақада айни шу йигит ғолиб чиқди.

Андерсен мусобақада ҳеч шубҳасиз мисли кўрилмаган натижаларни қўлга киритди. Энг асосийси, шоҳмотчининг услуби мухлису мутахассисларда завқ-шавқ уйғотди. Шиддатли, кутилмаган ҳужумлар, дадил қурбонлар, ногаҳоний тактикавий зарбалар – Лондон турнирида ҳали ҳеч ким танимаган, тан олмаган немис шоҳмотчиси томонидан намойиш этилган юксак маҳорат намуналари эди. Ҳатто энг номдор рақиблар ҳам унинг ҳужумларига бардош бера олмадилар.

Адольф 1818 йилнинг 6 июлида Бреславлда туғилди. Отаси бу ўйинни ўргатганда у 9 ёшда эди. Айтиш кераккки, унинг таланти анчагина секин ривожланди. Лондондаги турнирга қадар Андерсен шоҳмот фаолиятида айтарли мақтагулик бирор бир ютуққа эриша олмади.

1836 йили гимназияни тугатгач, Андерсен Бреславл университетига ўқишга кирди. Математика ва фалсафани ўрганди. Қизиқки, у биринчи маротаба шоҳмот композитори сифатида эътиборга тушди. 1842 йили Андерсеннинг масалалар тўплами босилиб чиқди. Бироқ ўша пайтда ҳам у имконият топди дегунча, шоҳмот билан шуғулланди, ўтмишдаги атоқли шоҳмотчиларнинг партияларини ўрганди.

1846 йилда Андерсен илмий даража олиш мақсадида Берлинга келди. Аммо пойтахтнинг энг кучли шоҳмотчилари билан танишиш ҳам эътибордан четда қолмади, балки бу унинг келгусидаги муваффақиятларида катта рол ўйнади, дейиш мумкин.

1848 йили шоҳмотчи ҳаётида муҳим воқеа юз берди: у тажрибали Гаррвиц билан матчда учрашиш имкониятига эга бўлди. Буни алоҳида таъкидлашимизга биргина сабаб бор. У ҳам бўлса, бунгача унинг рақиблари орасида Гаррвицдан зўри бўлмаган эди. Эътиборга молик жиҳати, Андерсен муваффақиятли ўйнади – 5:5.

Уч йилдан сўнг эса Андерсен ўзига жаҳоннинг энг кучли шоҳмотчиси деган шуҳрат келтирган Лондондаги кутилмаган ва айни пайтда узоқ кутилган зафарга эришди. Кўпчилик шоҳмотчи зафарли юришларини мана энди бошлайди, деган фикрда эди. Бироқ Андерсен кутилмаганда одатдаги ўқитувчилигини давом эттириш мақсадида Бреславлга қайтди.

Шундан кейин тақдир ҳам унга терс боқди. 1858 йили у америкалик П.Морфига йирик ҳисобда +2-7=2) мағлуб бўлди. Айримлар Андерсеннинг юлдузи сўнди, деб эълон қилишга шошилдилар. Лекин Морфи шоҳмотдан узоқлашиши билан Андерсеннинг юлдузи яна порлади. У Лондон турнирида (1862 йил) ажойиб ғалабага эришди. Бўлажак жаҳон чемпиони В.Стейниц билан бўлган матч (1866 йил)да эса муваффақиятсизликка учради: +6-8. Бироқ кейин янги парвоз рўй берди: 1868 йил ёш Цукертортга қақшатқич зарба берди – +8-3=1, Баден-Бадендаги нуфузли халқаро турнир (1870 йил)да биринчи бўлди. Бу бреславллик шоҳмот сеҳргарининг охирги йирик муваффақияти эди.



Машҳур немис шоҳмотчиси ўзидан кейин кўплаб жуда ажойиб партиялар қолдирди. Уларнинг аксарияти вақт ўтишига қарамай ўз жозибасини йўқотгани йўқ. Зотан, бу ажойиб шоҳмотчининг номи нима учун шоҳмот тарихига олтин ҳарфлар билан битилганлигини тушуниш учун шоҳмот санъати хазинасига «боқий» ҳамда «сўнмас» номлари билан кирган Кизерицкий ва Дюфренларга қарши ўйнаган партияларини эслашнинг ўзи кифоя.

**Ойбек ДАМИНОВ**
**тайёрлади.**

***Ушбу диаграммадаги кўриниш Андерсен – Дюфрень ўйинида юзага келган. Ушбу вазиятда оқлар билан дона сурган Андерсен рақибини 4 юришда мот қилишга эришган. Хўш, бундай пайтда сиз қандай ўйнардингиз?***

**Газетамизнинг 5-феврал 22(1447)-сонида берилган партиялар жавоби:**

*Биринчи диаграммада 1.Pg8 Шh6 2. f8K! (ажабланарли, лекин f8Ф+Шh5 дан кейин мот қилувчи юриш йўқ) 2...Шh5 3.Ph8x.*

*Иккинчи диаграммада 1.а8Ф Ша5 2.Шс4 Ша4 3.Ра6 Х. Агар 1. ...Ша4 бўлса 2.Рс5 Ша3 3.Ра5 Х.*

*(Бошловчилар учун Ш - шоҳ, Фз-фарзин, Р-рух, О-от, Ф-фил, + -кишт, Х-мот, 0-0 - рокировка).*

## БУЮК КИШИЛАР ҲАЁТИДАН

Машҳурноширлардан бири Карлтон Марк Твенни биринчи қўлёзмасини чоп этмай қайтариб юборган эди. Йигирма йилдан сўнг Марк Твен машҳур бўлиб кетди. Бир куни ёзувчи уни учратиб қолди. Шунда Карлтон Марк Твенга:

Азизим Твен! Сендан ҳам машҳурроқ одамни биламан. У менман. Мени дунёга машҳур қилган нарса эса, қўлёзмангни қайтариб юборганимдир.

* * *

Машҳур мусиқашунос Россинига она ватанида ҳайкал ўрнатишмоқчи эканлигини хабар қилишди. Россини эса ҳайкал учун қанча пул сарфланишини сўради.

- Бу иш 12000 лирадан иборат олтин танга билан баҳоланади,- деб жавоб беришди усталар.

- Биласизларми, менда бир таклиф бор, — деди Россини. — Шу пулни менга берсангизлар. Ўтказилиши режалаштирилган барча тадбирларда иштирок этаман ва ҳайкалга ўхшаб туриб бераман. Сизлар асл нусхага эга бўласизлар, мен эса олтин тангаларга.

**Немисчадан Шуҳратхон ИМЯМИНОВА таржимаси.**



## КРОССВОРД

**Диоганаллар бўйича:** 1.Икки мисрали мустақил, шарқ назмига хос шеър. 2. Автомобил ёриткичи. 3. Нарх. 4. Ўзига жалб қиладиган жозиба, кўрк. 8. Инсоннинг жамиятда тутган ўрни, обрў-эътибори. 9. Гўзал аёл, фаришта. 10. Миллий, ипак газлама. 11. Сурхондарё вилояти тумани. 12. Самолётлар сақланадиган иншоот. 13. Жун газлама тури. 14. Удум, тартиб. 15. Яхна таом. 19. Мусулмон олами чоҳарёрларидан бири. 20. Мусиқали саҳна асари тури. 21. Цирк майдони. 22. Байрам олди куни. 23. Вазифани бажариш учун аввалдан бериладиган маблағ. 24. Чорвадор манзилгоҳи. 25. Ҳиндистон дарёси. 26. Туркум сарлавҳа. 30. Сайёра. 31. Тарихда «Янги Ҳиндистон бунёдкори» номи билан танилган давлат арбоби. 32. Зировор ўсимлик. 33. Дурадгор асбоби.

**Белгиланган хонадан рақам атрофидаги соат мили йўналишида:**

5. Ўзбек ва тожик халқларига мансуб мақомлар мажмуи. 6. От спорти устаси. 7. Автомобилнинг совутиш қурилмаси. 16. Овланадиган парранда. 17. Бирор нарсага қизиқувчи мухлис. 18. Қирилиб битган баҳайбат судралиб юрувчи зоти. 27. Темир йўллардаги кўтарма ғов. 28. Гўё ўт ичида дунёга келадиган ва ўтда яшайдиган махлуқ. 29. Бута ҳолида ўсувчи, меваси шифобахш, тоғ атиргули.

## ЧАЙНВОРД

34. Адо этилиши мажбурий бўлган вазифа. 35. Кесувчи асбоблар тиғини ўткирлаш асбоби. 36. Пардоз бўёғи сифатида ишлатиладиган пояси серэт манзарали ўсимлик. 37. Ҳиндистондаги шаҳар. 38. Физик зарра. 39. Денгиз сут эмизувчи ҳайвони. 40. Дўппига тикиладиган тасма. 41. Пойтахти — Никосия. 42. Испаниядаги футбол команда. 43. Индукцион ток йўналишни аниқлаш қоидаси кашфиётчиси, рус физик олими. 44. АҚШ майда пули. 45. Ҳарбий техника. 46. Радиоактивлик тўғрисидаги таълимотни яратувчилардан бири, француз олими. 47. Ғарбий Осиёдаги мамлакат. 48. Шамсия йил ҳисобидаги тўққизинчи ой.

**Тузувчи:**
**Фозилжон ОРИПОВ.**

Қашқадарё вилоят касаба уюшмалари кенгаши кенгаш раисининг муовини Сабоҳат Мировага онаси

**МУАЗЗАМ ая**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 22.20

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 21017 Буюртма Г— 118. 1 2 3 4 5 6